



2020 у. г. «25 февраль

№ 97-к

Toyloq sh. – г. Тайляк

**Бахшитепа агрофирмаси ҳудудида фаолият
курсатиб келаётган “Ҳамрокул Рустамов
Рустамович” фермер хўжалигига қўшимча
ер майдони ажратиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 6, 23 моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17-октябрдаги ПФ-5199 сонли “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томарқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кишлоқ хўжалик экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалалари билан доимий шуғилланувчи комиссиясининг ҳулосасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9-январдаги 14-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадига ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига ҳамда “Ҳамрокул Рустамов Рустамович” фермер хўжалиги раҳбари Х.Рустамовнинг туман ҳокими номига ёзган хатига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Бахшитепа агрофирмаси ҳудудида фаолият курсатиб келаётган “Ҳамрокул Рустамов Рустамович” фермер хўжалиги Бахшитепа массиви ердан фойдаланиш харитасининг 1, 2, 3қ, 4, 11қ-контурларидаги туман ҳокимлиги заҳирасида бўлган жами 3.74 гектар шундан 0,62 гектар сўғориб ҳайдаладиган, 1.49 гектар боғзор, 0.20 гектар ихотазор, 0.39 гектар теракзор, 0.36 гектар ариқ ва зовурлар, 0.14 гектар йўллар, 0.25 гектар қурилиш ости ерлар, 0.29 гектар бошқа ерлардан иборат ер майдонлари, Тойлоқ тумани “Зарафшон дарёси ердан фойдаланиш харитасининг 22қ, 44қ, 49қ, 50қ-контурларидаги жами 3.80 гектар давлат заҳира ер майдонларида балиқчилик, боғдорчилик, теракчилик билан шуғулланиш учун ажратилсин.

2. “Ҳамрокул Рустамов Рустамович” фермер хўжалигининг жами 27,82 гектар шундан 18,52 гектар сўғориб ҳайдаладиган, 1.49 гектар боғзор, 0,40 гектар тутзор, 0,20 гектар ихотазор, 0,59 гектар теракзор, 1,79 гектар ариқ ва зовурлар, 0,39 гектар йўллар, 0,35 гектар қурилиш ости ерлар, 0,29 гектар бошқа ерлар ҳамда 3,80 гектар давлат заҳира ер майдонларидан иборат ер майдони 41 йил муддатга ижарага берилсин ҳамда ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ж.Хайитов)га юклатилсин.

3. “Ҳамрокул Рустамов Рустамович” фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиш муносабати билан туман солиқ инспекцияси (Ш.Шарипов)га, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ж.Хайитов)га, туман Қишлоқ хўжалиги бўлими (Б.Хушназаров)ларга фермер хўжалиги билан боғлиқ ҳужжатларга тегишли ўзгартириш киритиш вазифалари юклатилсин.

4. Ушбу қарорни бажарилишида назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўринбосари Х.Нарзиқулон зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Б.Бабоназаров